

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛТЕТИ**

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА  
(ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА) ФАНИДАН**

# **КУРС ИШИ**

**Мавзу: Хориж телеканалларида ахборот узатиш тамойиллари ва муаммолари (Euro News канали кўрсатувлари мисолида).**

**Бажарди:** Халқаро журналистика, 4 босқич

401-гурух талабаси Абдулазиз Мусаев

**Илмий раҳбар:** ф.ф.н., катта ўқитувчи Амрулло Каримов

**ТОШКЕНТ – 2015**

# **ХОРИЖ ТЕЛЕКАНАЛЛАРИДА АХБОРОТ УЗАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**

## **РЕЖА:**

### **I.КИРИШ:**

### **II.АСОСИЙ ҚИСМ:**

- 1. ТВнинг қолган ОАВлардан афзаллиги**
- 2. Информация нима?**
- 3. ТВнинг ахборот узатиш вазифаси ва унинг аҳамияти**
- 4. Ахборот жиҳатлари (Euro News канали кўрсатувлари мисолида)**
- 5. Euro News канали бутун дунё учун.**

### **III.ХУЛОСА**

### **IV.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

## КИРИШ:

*Руҳият ҳеч қачон ақлий тасвирсиз фикрламайди.*

*Арасту.*

Оммавий ахборот воситалари орасида энг кучли таъсирга эга бўлгани ҳақиқатдан ҳам телевидениедир. Албатта, ҳозирги технологиялар ривожланган бир даврда дунёнинг ривожланган мамлакатларида интернет аҳолининг деярли барча қатламларига кириб борган. Бу каби жараён секин-аста бизнинг кундалик ҳаётимизни ҳам қамраб олаётганлигини сезиш қийин эмас, чунки бажараётган ишимиз самараси бир жиҳатдан биз олаётган ахборотга боғлиқ. Бунда ахборотнинг аниқлиги, ҳаққонийлиги ва тезкорлиги миҳим рол ўйнайди. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) демократия, ривожланиш ва ижтимоий мулоқотни таъминлашда катта аҳамият касб этади. ОАВ бизни хабардор қилиш, билим бериш, ижтимоий баҳс-мунозараларни ўтказиш ва фикримизни шакллантириш учун хизмат қилади<sup>1</sup>.

**Мавзу долзарблиги.** ОАВ ахборотни тарқатиш рақобатида ТВнинг ўрни ва таъсири жуда катта ҳисобланади. Айна шунинг учун ҳам ТВ ва унинг энг асосий – ахборот етказиш вазифаси долзарблилигини берилган ишда кўриб чиқишда ҳаракат қиламиз. Асосий мақсадимиз, ОАВнинг асосий вазифаси бўлмиш информацион функциясини дунё стандартлари мисолида ўрганиб чиқишдир. ТВ тули хил ижтимоий вазифаларни бажарар экан, у албатта информацион аҳамиятга эга, лекин бошқа шаклдаги мусиқа, кино ва шу кабилар ҳам бизга ахборот беришини унутмаслигимиз керак бўлади. Биз ахборотнинг тор маъносини, яъни, янгиликлар узатиш деб қабул қилиб унга мисол сифатида "Euro News" ва "Россия 24" каналлари информацион дастурларини танлаймиз. Шу билан

---

<sup>1</sup> ЎЗБЕКИСТОН МЕДИА ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА. Ўқув қўлланма. Тошкент –2015 йил

бирга информацион кўрсатувларнинг ҳозирги ахборотга чанқоқ жамият ҳаётида тутган ўрнини кўриб чиқишга уриниб кўрамиз.

**Курс ишидан кўзланган мақсад ва вазифалар.** Айни дамда шаклланиб бораётган ахборотлашган жамиятда ахборотнинг ўрни катта. Ахборот олишда кейинги йилларда ТВдан қулайроқ йўли интернет ҳам пайдо бўлишига қарамай барибир кўпчилик ТВга мурожат қилади. Аммо томошабинларга ёқадиган, керакли ёки айнан улар истаган кўрсатувни тайёрлаш, янги ТВканални ташкил этишдан аввал оддий назариядек туюлган “ТВ журналистика асослари” фанинг фундаментал билимларига қайтишга тўғри келади. Яъни у ахборий кўрсатув бўлса қайси мавзуларни ёки қайси дастурларни қамраб олишини аввал бошдан билиш зарур. Агар янги телеканал бўладиган бўлса жамият олдида қандай вазифани бажаради ва унга қайси йўналишда боришини аниқлаши ва ҳужжатларида кўрсатиб бериши керак бўлади.

Демак, телевизион канал жамият билан муносабатида қандай вазифа бажариши унинг келажагини белгилаб беради. Унинг ахборот тарқатиш вазифаси бўлса, қолган функциялари ичида улар учун негиздир. Шундай экан ушбу курс ишида, ахборот тарқатишда ТВнинг ўрни, унинг аудитория билан муносабати, ахборотни томошабинларга қандай етказишни мисоллар билан келтиришга ҳаракат қиламиз. Айнан шу ҳам ишнинг илмий амалий аҳамиятини белгилайди.

**Курс ишининг янгилиги.** Бугунги кунда инсоният ахборот соҳасидаги “инқилоб” га таяниб, ўз эволюциясининг янги босқичига кўтарилди. Бугунги кунда медиа, турли ахборот ва коммуникацион технологиялари турли хил шакллариининг тез оммалашishi, уларнинг шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бўлган таъсири, инсоннинг яшаши учун ахборот муҳитининг кейинги босқичини олган сифат жиҳатдан янги кўринишини кўрсатиб беради. Ахборот

технологиялари ёрдамида масалан телевидение орқали кўрсатиладиган сайлов олди мунозаралари ёки турли мавзулардаги мулоқот каби масалаларни узатиш мумкин. Бунунги кунда мисли кўринмаган миқёсда ахборот контентав ресурслар, шу жумладан, интернет захиралари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси аниқлиги, ишончлилиги ва муҳимлиги жиҳатидан фарқланади. Инсонга у ёки бу ахборот каналига мурожат қилиш мақсади тушунарли. У биринчи галда ташқаридан ўзи учун керакли бўлган маълумотларни олишга интилади. Танлов эса хабарнинг тўлаллиги, манбанинг ишончлилиги ёки қизиқарлилиги ва ҳ.к. асосида қилинади.

Бозор иқтисодиёти кучли ва эркин ОАВ ларини шакллантириши керак. Телетомошабин кўраётган нарсасига ишониши учун "махсулот" ишонч уйғотиши керак. Аксинча мижоз бошқа каналга ўтиб кетади (сотиб олмайди), натижада телекомпания инқирозга учрайди. Жамиятга хизмат қилиш туёғуси, фойда топиш истаги ОАВ мулкдорини халқнинг ишончини қозониш мақсадида ҳақиқатни ёзишга, эшиттиришга ёки кўрсатишга тинимсиз ундаб туради<sup>2</sup>.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётини ҳар жабҳасини кузатар эканмиз деярли барча соҳаларни ёритиб берувчи ахборий дастурлар ҳам ўз вазифасидан келиб чиқиб ишини олиб боради. Бу вазифани бажарувчи инсонлар ҳам ўзининг касбий фаолиятдан келиб чиқиб нафақат ён атрофимиздаги балки жаҳонда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар ҳақида ахборот тарқатади. Демак ривожланиш ва юксалиш ўз-ўзидан биз олаётган ва тарқатаётган информацияларга боғлиқ.

---

<sup>2</sup> Ирисмат Абдухоликов, Амрулло Каримов: "Тележурналистика асослари" 6-мавзу, 41 бет

## **1. ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ҚОЛГАН ОАВЛАРДАН АФЗАЛЛИГИ**

Оммавий ахборот воситалари айнан оммавий ахборот воситалари дея аталишининг энг асосий сабаби улар катта аудиторияга узатувчи вазифасини бажариши ҳисобланади. Телевидение булар орасида 40-45 йил давомида биринчиликни эгаллаб келди. “ОАВ типологияси ва назарияси” фанида афзалликлари бир неча марта қайта-қайта таъкидлаб келинган. Босма нашрларда сўз, радио эса овоз ўз кучини намоён этса ТВ инсоннинг ишончи билан бевосита боғлиқ ҳиссиёти – кўзларига таъсир этади. Энди томошабин ахборот ҳақида кўркмасдан “мен кўрдим” дея таъкидлаш мумкин. Минг йил олдин жарчидан эшитган, бир неча юз йил олдин китобда ўқиганларини одамлар уйдан чиқмасдан ойнаи жаҳондан кўриши мумкин. Агар газетани ўқиш, радиони эшитиш жараёнида киши мияси тасаввур қилишга ҳаракат қилса, ТВни томоша қилишда тасвир борлиги ва у киши тасаввури учун жой қолдирмаслигини ҳисобга олсак телевидение қандай аҳамиятга эгалигини тасаввур қилишимиз қийин эмас. Биз ҳам ТВдан узатилаётган янгиликлар, воқеа ва ҳодисаларни тўғридан-тўғри, қандай бўлса шундай қабул қилиб оламиз. Бу эса ўз навбатида инсонда ахборотга бўлган талабни шакллантиради. Катта аудитория ўз эҳтиёжини қондиришни турли усулларидан фойдаланиши мумкин. Айни пайтда эса ўзининг талабидан келиб чиқиб оммавий ахборот воситаларидан ўзига мақул келган ҳолдагисини танлайди. Шундай танловда ТВ ўзининг катта таъсирига эга. Ахборотлашган даврнинг асосий курули ҳам ахборот бўлгани сабабдан тўғри, янги ва керакли ахборот тарқатувчи манбалар ўзининг таъсир доирасини доимо мустаҳкамлаб келади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Россия ва, умуман, кўпчилик дунё информацион дастурларининг андозалари деярли бир хил. Уларда қисқа

репортажлар, бошловчи бўлиб ўтган воқеа ҳақида оғзаки матн ўқишини кузатишимиз мумкин. Бу дегани ТВ технологиялари жараёнига янгиликлар киритилмаётгани эмас. Янгиликлар асталик билан етакчи каналлар тажрибаларидан олиншига ҳаракат қилишга, айти дамда содир бўлаётган воқеаларни LIVE дастур орқали томоша қилиш ТВнинг энг кучли унсурларидан биридир. Сунъий йўлдош, кабель ТВ каналлари ҳозирги кунга келиб томошабинларга ана шундай имкониятларни яратиб бермоқда. CNN, Euro News, BBC ва "Россия 24" каби каналларнинг бу унсури янгилик умрини қисқартирди. Лекин шу билан бир қаторда уларни оммабоп ҳам қилди.

Бундан кўриниб турибдики, инсоният кундалик равишда томоша қилган ахборий дастурлардан қаноатланмаган. У тобора кўпроқ информация йиғишга ҳаракат қиладики, унинг бу истаклари фақат янгиликлар учун мўлжалланган 24/7 форматидаги телеканаллар яратилишга олиб келган. Бундан ташқари, ахборот дастурлари ва каналлари ихтисослашиши ҳам журналистик материаллари қайта таҳлилсиз тўғридан-тўғри қабул қилинишига мўлжалланиб бораётганлигидан далолатдир. Дастурларда “бегущая строка” (тасвир тагида қисқа хабарни баён этувчи йўлакча), янгиликлар анонси, қўшимча ойначада долзарб мавзуда тасвир кўрсатиш кабиларни ҳам кузатишимиз мумкин. Бу ҳам, албатта, бизнинг айти дамда нималар бўлаётганлигини билишни исташимиздан, ҳамда каналлар ўз аудиторияларини экран олдида ушлаб туришга қилаётган ҳаракатларидан далолатдир. Янгиликлар, аввало, маҳаллий, кейин эса бошқа давлатларга тегишли бўлишига қараб аудиторияни қизиқтирса-да, аммо ҳозирга келиб глобал-сиёсий муносабатлар қурилаётган ижтимоий тизимда томошабинлар кўшни мамлакатлар янгиликларига ҳам бепарво қарамайдилар. Натижада кўрсатув ёки телеканал янгиликлар географик қамровини ҳам оширишга

интилмоқдалар. Минтақавий кризис натижасида ТВ томошабинлар иқтисодий янгиликларни ҳам эътибордан чиқармаяптилар.

Журналист ахборот қидирар экан, у жамиятнинг қизиқишини ўйлаши зарур, аммо кўпчилик замонавий журналистик фаолиятда биз айнан информацион жанрга келганимизда “бақириб” турувчи сенсациалар кетидан қувлаш ҳолатларини кузатамиз. Табиий офатлар, урушлар, сиёсий тўнтарилишлар мавзуси кўпайгандек туюлади бизга. Аммо журналист Князев А.нинг таъкидлашича, инсоният мўътадилликдан четлашишни ҳам ахборотнинг бир туридек қабул қилади<sup>3</sup>. Демак бу турдаги “сенсация” лар ҳам инсонга жамиятдаги ўзгаришлар ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, кўпчилик айнан мана шундай талофатлар рўй берганда ахборот олиш учун, бевосита кузатиш учун ҳам ТВ га муражаат қилади. Камерунлик журналист Ану Эби Сноусел бунга ўзининг фикрича иккита яққол мисол келтиради: 1) 1999 йилда Камерун вулкони отилиши ва 2) 2000 йил 2 ва 3 август кунларидаги тошқин вазиятларида Камерун аҳолиси айнан ТВ ва радиога ахборот олиш учун муражаат этган<sup>4</sup>. Аммо ТВ ва томошабин билан информацион муносабат даврида баъзи қонун қоидалар ҳам мавжуд бўлиб журналист уларга риоя қилиши шарт. Бунда журналист тили қисқа, лўнда, турли хил мафкуралардан холи бўлиши керак. Информацион кўрсатувлар ташвиқотчилик руҳидан холи бўлиши ҳам аҳамиятли. Сабаби биринчидан, улар фақатгина узатувчи-воситачи ролини ўйнашлари керак. Иккинчидан, таҳлил холисона бўлиши керак, агар таҳлилий информацион кўрсатув бўлса. Тўғридан-тўғри ахборотузатишда бетарафлик маъқул бўлади. Томошабинлар руҳиятига кучли таъсир

---

<sup>3</sup> Князев А. (2001). Основы тележурналистики и телерепортажа. Бишкек, КРСУ

<sup>4</sup> <http://www.snowsel.friendpages.com/p/pages/site/articles.cgi?pageid=snowsel&id=390200>



килувчи тасвирлар ва кадрлар узатилиши ва шунга ўхшаш матнлар ўқилиши ҳам инфор­мацион дастурда имкон қадар кузатилмаслиги керак. Бироқ ҳалокатларни буларсиз узатиш мумкин эмас. Шунга қарамасдан янгиликлар тилитурли ҳиссиётлардан холи бўлиши керак. Мана шу ерга келганда ахборот ва янгилик тушунчаларини бир-биридан фарқлаб олсак. Юқорида таъкидлагинимиздек, атроф муҳитимиз ахборий эфир қатли­мидан иборат.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, ОАВ ишчиси – журналист оммага ахборот узатар экан у янгиликлар журналистикасида айнан мана шундай четлашиш, ўзгариш ҳолатларини кузатади ва уни оммага етказди. Бу борада янгилик турли соҳаларга доир бўлиши мумкин. Масалан, ижтимоий, сиёсий, спорт, маънавий ёки маърифий ва ҳоказо. Ахборотга эгалик қилиш ҳозирги кун жамиятида хаттоки ку­ролланишдек талқин этилади. Ваҳоланки, қадим-қадимдан ахборотга ҳарбий маънода алоҳида эътибор беришган. Аммо қадимда ТВ бўлмаган, у бўлганда ҳам ҳозирги замон дунё тузилиши умуман бошқа ҳолда бўларди, менимча.

## 2. ИНФОРМАЦИЯ НИМА?

Яна мавзуга қайтсак, янгилик журналистикаси асослари журналистдан қатъий қоидаларни талаб этади. Ҳодиса иложи борича тўлиқ равишда очиб берилиши, асосий саволга (ким, нима, қаерда, қачон, нега ва қандай) жавоб бериши керак. Бундан ташқари янгилик аҳолига қай даражада кераклигини журналист яхши англаши зурур, бунда ўз нуқтаи-назаридан кўра, аҳоли манфаати устунроқ қўйилиши керак бўлади. Маҳаллийлик тушунчаси ҳам янгилик узатаётганда катта аҳамиятга эга. Бирор бир янгилик дастурини томоша қилар эканмиз биз аввало ўз худудимизда, шаҳримиз ёки қишлоғимизда содир бўлган янгиликларга алоҳида эътибор берамиз. Шунинг учун ҳам чет элда, масалан АҚШда маҳаллий ТВ каналларга нисбатан ҳали ҳамон талаб мавжуд. 2010 йил Вашингтоннинг “Pew Research Center” тадқиқот мазкази томонидан олиб борилган сўровномада 2259 киши иштирок этган ва уларнинг 78%и янгиликларни айнан маҳаллий ТВ каналларида томоша қилишларини таъкидлашган<sup>5</sup>. Дунё янгиликларини томоша қилар эканмиз унда ҳам ўзимизга керакли бўлган ахборотга алоҳида эътиборимизни ажратамиз. Аммо глобаллашув даврида шундай ҳодисилар ҳам борки, улар умум инсоният қизиқишини ўзига тортади. Масалан, экология ва технологияга оид янги кашфиётлар, умумбашарий, трансмиллий муаммолар, иқтисодий таназзулга оид янгиликлар шулар сарасидандир. Ёки бўлмаса ҳозирги даврнинг энг асосий мавзуси бўлган антитеррор курашишни олсак. Бу борада деярли барча каналлар дунёнинг террор ўчоқларига йўналтирилган. Бутун дунёда террорчиликка қарши кураш учун айнан ТВ жуда катта вазифани бажаради. Ахборотни узатиш ва кенг аудиториянинг барча қатламларига етказишда унинг кучи бордир.

---

<sup>5</sup> <http://www.televisionbroadcast.com/article/95488>

Euro News янгиликлар телеканали ҳам маҳаллийлик борасида умум Европа манфаатини ҳимоя қилувчи, уни дунёга таништирувчи каналдир. Euro Newsнинг ВВСдан фарқи ҳам ана шунда. У фақатгина инглизларники эмас, балки умум Европа аҳолисининг янгиликлар каналидир. Бу канал дунёнинг деярли барча қисмида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ёритиб беради. Айнан шу жиҳати билан аудиторияни ўзига тортиб туради.

Юқорида таъкидланган фикр ва мулоҳазаларга қўшимча қилган ҳолда яна шуни айтиш керакки, янгиликлар жанри шахсий фикрдан ҳоли бўлади ва унда деталь ҳамда фактлар зичлиги кузатилади. ТВ янгиликларда деталь ва фактлар тасвирлар орқали намоён бўлади. Тасвир сўз орқали таърифлай олмаган ҳодиса ва объектларни инсон онгига тезлик билан етказиб беради. Бундан келиб чиқадики, ТВ янгиликларини узатишда кадрларга алоҳида аҳамият бериш зарур. Айнан ўша кадрлар сиз тайёрлаган журналистик матнларни сифатини белгилаб беради. Бу эса кадр ортида ўқиладиган матнга мос келиши шарт, кадрлар сифати иложи борича юқори даражада бўлиши лозим. Албатта уруш нуқталаридан олинган тасвирлар бундан мустасно бўлади. Шундай бўлса-да имкон қадар бунга профессионал ёндашиш журналистнинг асосий вазифасидир. Хориж журналистикасида янгиликлар сўнги даврда “LIVE”, яъни тўғридан-тўғри узатилади. Бу томошабин воқеани бўлаётга пайтида томоша қилишини таъминлайди. Буни сўнги пайтда “no comment” лавҳалари орқали ҳам кузатишимиз мумкин. “No comment” тасвирлари репортёрдан кўра кўпроқ тасвирчининг маҳоратига бўғлиқ. Тасвирчи жойида туриб бизнинг кўз олдимизда бўлаётган вазиятни гавдалантиради, унинг камераси орқали биз бутун важоҳат, ҳис-ҳаяжон ва изтиробли жараёнларни томоша қилишимиз мумкин.

### 3. ТВНИНГ АХБОРОТ УЗАТИШ ВАЗИФАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Информацион кўрсатув ёки каналнинг юқори даражадалиги канал дея эътироф этилишида улар ахборотнинг қуйидаги тамойилларига ҳам эга бўлишлари зарур. Чунки бу асосий унсурлар мавжудлиги канал келажаги ривожини ва пухта режалаштирилган тизим эканлиги исботидир.

**Долзарблик** – ахборотнинг айна шу бугунги кун нуқтаи назаридан муҳимлиги, аҳамиятлилигидир. Долзарблик шу куннинг ниҳоятда муҳим мавзуларини қамраб олишни, томошабин назарида энг аҳамиятли ва жиддий бўлган муаммоларни тасвирга олишни билдиради.

Журналистика ҳозир айна шу кунда кишиларни қизиқтирган, ўйлантирган, ташвишга солган муаммолар билан яшайди. Иқтисодий таназзул, сиёсий ўзгаришлар, меҳнат бозори, спорт, пул ва унинг қадри, бозор тизимида нархнинг ўзгаришлари ва шу каби ижтимоий херактерга эга бўлган ахборотлар доимо жамиятнинг турли қаиламларини қизиқтириб келган. Журналист кундалик, оддий ҳодисаларни ажрата билиши лозими бўлади. Euro News канали ўз томошабинлари учун долзарб мавзуларда турли хил янгиликларни, кўрсатувларни тайёрлашга ҳаракат қиладилар. Булар жумласидан *news, press business, markets, wall street live headlines, europe, sport, eurofoot, no comment, meteo Europe, meteo world, meteo airport, interview, agora, le mag* ва ҳоказоларни келтиришимиз мумкин. Бу каби дастурларда томошабин ўзи қизиқтирган ахборотни қисқа маълумот билан тезда билиб олади. Масалан, **europe** ни олсак, Европа аҳолиси доим давалатларнинг ўзаро муносабатларини билишини ситайди ва айниқса мана шу кўрсатув уларга европаликларни қизиқтираётган саволларга жавоб олишларида ёрдам беради.

**Тезкорлик** – Ахборотни бир зумда, дорҳол етказиб бериш журналистикага хос хусусият. Тўғри, матбуот, радио ва телевидение интернетга нисбатан тезкорликда бирмунча орқада туради. Интернетда янгиликлар дарҳол воқеа содир бўлиши билан, ҳатто, журналист бўлмаган кишилар томонидан ҳам тақатилиши ҳозирги вақтда одатий ҳолат, социал блоглар бунга яққол мисол. Айниқса, кейинги даврда тез ривожланиб бораётган [twitter.com](https://twitter.com).

Euro News канали дунёнинг турли каналлари ва ахборот агентликлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши, унинг дуёда бўлаётган вазиятдан бохабар бўлишида ва шу билан биргаликда улардан тезкорлик билан ахборот олишда кўмақдир. Euro News содир бўлган ҳодисани ўша заҳотиёқ узатишга ҳаракат қилади. Бу хабар тўғридан-тўғри узатилиши мумкин. Экранда кўшимча ойна орқали ёки титрларда ёзиб бориш йўли билан ҳам ахборот берилиши мумкин.

Бундан ташқари, тезкорлик каналда ўз фаолиятини юритаётган журналистлар учун аҳамиятли роль касб этади. Euro News канали учун турли хил ахборот ва ТВ агентликларидан ташқари ахборот маҳсулотларини 200 дан ортиқ журналистлар ҳам етказиб беради. Шу билан бирга Euro News ўз томошабинларига ахборотни "LIVE" платформасида балки, интернет ва мобил телефонлари тизими орқали ҳам тезкорлик билан етказди. Тезкорлик телеканал учун, умуман олганда жуда керакли унсур бўлиб, бундан мустасно бўлиш, канал аудиториясини кескин қисқариши сабабларидан биридир. Демак, бундан кўриниб турибдики, аввалда таъкидлаб ўтган Euro News телеканалидаги “no comment” тасвирларида оператор маҳоратига эътибор бермасдан бўлмайди. Оператор оддий техник ходим эмас, балки у журналист билан бир поғонадаги ижодкор. Ё бўлмаса журналист қолган соҳалар билан ўз касбини қай даражада яхши билса, шу даражада танишдир. Буни биз

журналистнинг ўз касби доирасидаги бошқа соҳаларни ҳам бажариши билан изоҳлаш мумкин. Келтирилган тасвирни мухбирларнинг ўзлари монтаж қилишлари ва ўз овозларини студияда ёзиб уларни ҳам қайта ишлашлари мумкин.

***Қисқалик ва мазмундорлик*** – бу ҳам оммавий ахборотга хос хусусиятлар. Ҳозирги ахборий жараён янги технологиялар воситасида умумлаштирилаётган шароитда бу хусусиятнинг салмоғи янада ортади. Ахборий жараённи умумлаштириш, глобаллаштириш орқали дунё минтақалари инсонга яқинлашади, киши қаерда яшаши ва ишлашидан қаъий назар, умуминсоний муносабатлар, маммолар силсиласига дахлдор бўлиб қолади. Янгиликлар қисқа ва лўндалиги, инсон мия фаолияти билан боғлиқ. Т елевизор орқали узатилаётган тасвирни кузатиш вақтида, тадқиқотчиларнинг айтишлари бўйича 30 секунд давомида мия тўлқинлари тез бўлади, ундан кейин у секинлашади ва юқорида эътироф этилганидек воқеани мантиқий таҳлил қилишдан кўра унга ҳиссий боғланамиз. Демак янгиликлар тили қисқа ва мазмунли бўлиши керакки, у томошабинга тезда ва тушунарли етиб бориши зарур, ҳамда кузатувчи ахборотдан зерикмаслиги ҳам унутмаслиги лозим.

Бунуги кунда кенг аудитория ҳар жабҳада вақтни тежайди. Унга иложи борица дарҳол, қисқа, мазмунли ва керакли ахборот зарур. Шунинг учун ҳам берилаётган ахборот фақат фактлар билан, деталлар билан турли ортиқча маълумотсиз ўз даврида берилиши, албатта, аудитория эътиборини тортади. Масалан, кун давомида Euro News телеканали дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳар 30 минут давомида хабар беради. Шу воқеаларнинг таҳлилий вариантларини эса эрталаб ва кечкурунги соатларда узатади. Бу ўз ўринда Euro Newsнинг аудиторияси учун осонлик яратади ва у ҳар ярим соатда, тезлик билан дунёда нима бўлаётганлигини билиб олади.

**Ўзига хослик** – журналистнинг шахсий услубига бевосита дахлдор мезондир. Бу мезон тилнинг таъсирчан воситаларидан, тимсолий ифодаларидан, мажозий имкониятларидан оз бўлсада маҳорат билан фойдалана олишни назарда тутди. Албатта, кўрсатув ўзига хос элементлар билан бой бўлиши керак, ҳозирги давр айнан шуни тақозо этади. Каналлар янгиликларини турли хил йўллар билан узатишга ҳаракат қилишади. Масалан, Euro Newsнинг ҳам ўзига хослиги айнан ундаги янгиликлар блокларида матн доим кадр ортидан ўқилади, “Давр”, “Ахборот”, ёки “ОРТ”, “Россия 24” ва бошқа каналларда бошловчи эфирни олиб боради, Euro News каналининг ахборий блокларида бошловчи йўқлиги ва фақат лавҳалар узатилиши каналнинг Trade Mark, яъни тижорат белгиси десак ҳам бўлади. Бундан ташқари Euro News телеканали турли регионлар, мамлакатларга ўз ахборотини етказиётгани учун, тарафгарчилик ёки аудитория фикрини ўзгартириш вазияти юз бермаслиги учун ўз янгиликларини холис тарқатиш тарафдори. Каналнинг шиори ҳам “софлик”.

**Оммабоплик** – бу хусусиятга сўзамоллик ёки сунъий суҳандонлик орқали эмас, кўпчиликнинг қизиқишига лойиқ бўлган нарса ёки масала ҳақида хабар бериш орқали эришилади. Бундай ахборот ҳар бир саводли, зиёли кишини ўзига жалб эта оладиган жозибага эга бўлиши лозим. Айниқса янгиликлар каналларида оммабоплик сифати

Бошқаларга қараганда анча бу жиҳат юқори бўлиши керак. Хорижий каналлар бунга алоҳида эътибор ажратади, янгиликлар турли соҳаларга мўлжалланган бўлади. Масалан, CNN ўз дастурларида иқтисод, спорт, шоу-бизнес, техника ва бошқа соҳаларга доир янгиликлар, кўрсатувлар учун вақт ажратган. Бундан кўриниб турибдики, канал иложи борича ҳамма соҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилади. У шуниси билан ҳам оммабоплик жиҳатига эга.

## АХБОРОТ ЖИҲАТЛАРИ

---

- ❖ **press** — кундалик Европа матбуотларидан иқтибослар.
- ❖ **business** — иқтисодий янгиликлар.
- ❖ **markets** — Қимматбоҳо қоғоз, валюта ва биржа янгиликлар.
- ❖ **wall street live** — Нью Йорк биржасининг очилиши ва ёпилишидан кундалик равишда тўғридан-тўғри лавҳалар.
- ❖ **europe** — Европа муносабитларитўғрисида ҳисоботлар.
- ❖ **sport** — Муҳим спорт янгиликлари.
- ❖ **eurofoot** — Европа футбол ўйинлари натижалари.
- ❖ **no comment** — Шарҳсиз кичик видео лавҳалар.
- ❖ **meteo europe/ world/ airport** — об-ҳаво, (дунё ва Еропаайропорлари учун).
- ❖ **interview** — эътиборли ва таниқли инсонлар билан интервью.
- ❖ **f.a.q.** — Европа иттифоқи хусусида умумий маълумотлар, бу ҳақдаги доимий саволларга жавоблар.
- ❖ **le mag** — Муҳим мусиқа, маданият, мода, санъат янгиликлари.
- ❖ **cinema** — Экрanga чиққан янги кинофилмлар.
- ❖ **space** — Коинот технологияси янгиликлари, Европа Коинот Ташкилоти билан биргаликда ишлаб чиқилган.
- ❖ **science** ва **hi tech** — Илмий ва технолигик тадқиқотга назар.
- ❖ **futuris** — Футуристик тадқиқот ва назариялар.
- ❖ **rendez-vous** — Европа маданияти воқеалари маълумоти
- ❖ **parlamento** — Европа Парламенти янгиликлари.
- ❖ **perspectives** — ҳозирда европада бўлаётган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.
- ❖ **comment visions** — чуқур фикрловчи жамоат вакиллари билан интервью



- ❖ **fly** — тележурнал, авиацияга бағишланган саволлар ва уларнинг ечими
- ❖ **reporter** — европанинг актуал мавзуларидаги репортажлар
- ❖ **business Middle East** — бизнес-ҳаво ва яқин шарқ бозорида бўлаётган глобал ўзгаришлар (яқин шаррдаги бизнес)
- ❖ **news** — янгиликлар берилиши
- ❖ **talent** — ноодатий қобилиятли инсонлар ҳақида ҳикоялар
- ❖ **headlines** — муҳим янгиликларнинг қисқача таҳлили

Демак, журналист бизнинг ҳолатимизда эса ТВ канал айнан Информацион канал, ҳар доим кўпчиликни ўзига жалб эта оладиган, қизиқтирадиган фактларни, воқеа-ҳодисаларни излаш билан банд бўлиши керак.

Журналист информацион канал учун ҳар доим кўпчиликни ўзига жалб эта оладиган, қизиқтирадиган фактларни, воқеа-ҳодисаларни излаш билан банд бўлиши шарт.

**Изчиллик** – бир лаҳзалик, бир кунлик муайян муддат давом этадиган воқеа ва ҳодисалар мавжуд. Шу ўринда гап маълум муддат давом этадиган воқеа-ҳодисалар ҳақида кетмоқда. Масалан, сиёсий ёки иқтисодий ислоҳотлар узок муддатга мўлжалланган бўлади. Ёки футбол, теннис, дзюдо ёки шахмат бўйича жаҳон чемпионатлари бир неча ҳафталаб давом этади. Уларнинг ҳар бир ўйини ва босқичи миллионлаб мухлислар эътиборини ўзига жалб этиб туриши табиий ҳол. Яна футбол бўйича Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ҳақида гапирадиган бўлсак, турнирдаги ўйинлар ҳақида ҳар куни кундалик равишда янгиликлар узатилиб борилди. Шундан кўриниб турибдики, томошабинлар ҳар куни янгилик кутади. Улар ҳақидаги ахборот теледастурнинг ҳар сонида бўлиб туриши шарт. Акс ҳолда ахборий бўшлиқ бўлиб, томошабин ихлосини қайтаради. Натижада ахборот олиш

учун ўзга манбалар изланади. Euro News канали ҳам турли воқеаларни кузатиб бориб улар ҳақида ахборотларни ўша заҳотиёқ янгилаб боради. Бунга яққол мисол сифатида қуйдагиларни келтиришимиз мумкин: Парижда бўлиб ўтган “Шарле Ебдо” жулнаи таҳририятига бўлган террористик ҳаракат, Буюк Британиядаги парламент сайлови, Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси ўйинлари, Украинада бўлиб ўтган фуқаролик урушлари ва турлик ҳукумат тарафдорларининг тўқнашувлар ва муаммолар. Булар ҳақида Euro News информацияни иложи борича янгилаб керакли манбалардан фодаланиб изчил равишда экранга узатиб турди.

***Соддалик ва тушунарлик*** – мазкур мезонлар моҳияти шундай изоҳлаш мумкин. У қадар аҳамиятли бўлмаган фактни тилнинг зийнати ва санъат усуллари ёрдамида теран ва содда, жозибадор шаклда ифодалаш мумкин, деб тушунувчи журналистлар ҳалигача учраб туради. Янгилик ёки хабар деталлари, фактлари қанчалар содда тилда бўлса шунчалик яхши, унга бўёқдор сўзлар ишлатилиши материалга янада таъсирчанлик кучаяди. Тушунарликка келадиган бўлсак, технологик янгиликлар оддий оммага ҳам тушунарли қилиб узатилиши зарур. Бунда технологик терминларни кўплаб ишлатилиши томошабинларда тушунмовчиликни юзага келтириши мумкин.

***Рақобатбардошлик*** – Ахборот товар сифатида қабул қилинган экан Оммавий ахборот воситалари албатта информацион бозорда ахборотни ўз истеъмолчилари бўлмиш аудитория учун курашадилар. Телевиденине каналининг аудиторияси қанчалик кўп бўлса у унинг рақобатбардошлилигидан далолатдир. Ўз ўринда ТВ каналлар ўз истеъмолчилари хошиш-истакларини бажариш ниятида кўрсатувлари доирасини кенгайтирадилар, сифатини оширади, имкон қадар ҳаммабоп қилишга интилади. Бунга мисол қилиб, “МУ5” канали янги талабларга

жавоб бериш ниятида, ахборий дастурлари сонини кўпайтирганини айтишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида бизнинг ТВ даги жаҳон стандартларига мос ислоҳотларнинг олиб бориётганидан далолатдир. “МУ5” канали ҳам оилавий канал бўлиши билан бирга ўзининг имкон доирасида информацион канал кўринишига кириб бормоқда. Биргина “МУ5 news” ахборий дастурининг ўзи ҳам мувзулар доирасидан келиб чиқиб бир қанча турларга бўлинади.

Euro Newsнинг рақобатбардошлиги унинг турли сифатлари билан белгиланади. У ҳозирда бир вақтнинг ўзида кўрсатувларини 9 тилда дунёнинг турли мамлакатларига узатади. Хабарларни ҳар ярим соатда янгилайди. Кундалик ва фавқулодда вазиятларни ўз дастурларига қамраб олган. Теледастурларидан ташқари бошқа янгилик узатиш платформалари ҳам мавжуд. У турли соҳаларга оид хабарларни узатади.

Бундан энг эътиборлиси кўп тиллилиқ, сабаби, айниқса тил кўпгина ҳолларда аҳамиятли чегарани юзага келтиради. Маълум бир тилни тушунмаслик натижасида ўша тилда узатилаётган дастурдан воз кечиш ҳоллари келиб чиқиши мумкин. 2014 йнинг январь ойидаги маълумотларга қараганда кун давомида 24 соат ҳар куни 14 та тилдаги дастурларини олиб боради<sup>6</sup>.

Euro News канали 1993 йил 1 январдан бошлаб ишга тушди. У даставвал ўз трансляциясини 5 тилда олиб борган (инглиз, немис, француз, испан ва италян). 2010 йилгача бўлган даврда яна 4 тилда фаолият юритади, булар португал, араб, рус ва турк тиллари. 1998 йилга келиб ўз веб саҳифасини ([www.euronews.net](http://www.euronews.net)) яратди. 1999 йилда телеканал

---

<sup>6</sup> <http://www.wikipedia.ru>

рақамлашди ва янги босқичда ҳам ўз фаолиятини муваффақиятли равишда олиб боради.

Euro Newsга Европанинг 11 та энг катта телеканаллари томонидан асос солинган. Булар СҮВС (Кипр радио, телевидениеси), ERT(Грек радиотелевидениеси), France Televisions, RAI( Италия радио телевидениеси), RTBF(Баллония Бруссель радио телевидениеси), RTP(Португалия радио телевидениеси), RTE(Ирландия радио телевидениеси), RTVE-собик акциядор(Испания радио телевидениеси), ТМС(Монте Карло радио телевидениеси), YLE(Финландия радио телевидениеси), BHRT (Босния Герцоговина радио телевидениеси ).


1994 йилда эса Бирлашган Қиролликнинг ITN(мустақил телевизион янгиликлар) компанияси Euro News акцияларининг 31% ини сотиб олади ва ҳозирги кунда қолган акциядорлар қаторида телеканалга янгиликлар етказиб беради. Euro Newsнинг ITN дан ташқари акциядорлари SOCEMIE (Европа кўп тили ахборот канали Euro News муҳарирлар жамияти) концорцумидир. Телеканал лицензияси SOCEMIEга тегишли ва у Euro News амалдаги бошқарувчи компаниясидир.

### **EURO NEWS ЛОГОТИПИ ҲАҚИДА**

Фаолияти бошлангандан буён Euro News телеканали 4 марта ўзининг логотипини алмаштирди. Айни пайтдагиси бешинчи бор қўйилган бўлиб унинг кўриниши ва шакли билан каналнинг барча дастурлари давомида ўзини кўрсатиб туради. Телеканалнинг логотипи 1993 йилдан то 1998 йилгача экраннинг пастки ўнг томонида жойлашган эди. Кейинчалик 1998 йилдан 2008 йилгача экраннинг юқори чап қисмида жойлаштирилди. 2008-йилдан кейин ҳозирги кунга қадар экраннинг юқори ўнг қисмида акс эта бошлади. Бир қарашда телеканалнинг логотипи содда шаклда кўринади. Лекин шундай бўлса-да унинг

кўриниши телеканалнинг мақомини, ахборот тарқатиш услубини белгилаб беради.


Дастурни кўриш жараёнида агар кузатадиган бўлсангиз бир мавзудан бошқа мавзуга ўтиш жараёнида, ёки стендаплар кўйилишда, турли реклама роликлари кетма-кетликларини эфирга берилиш пайтида ҳам айнан мана шу логотипнинг вазифасидан телеканал ҳодимлари жуда кўп фойдаланади. Бир сўз билан айтганда компаниянинг бренди ҳисобланади. Томошабин бирор-бир ахборот дастури ҳақида маълум тушунчага эга бўлиш жараёнида унинг турли хил сифатларида ўзига керакли жиҳатларини олади. Унинг қатор дастурларини ёритишда айнан бирор восита доирасида бўлишини жараён давомида кўрсатади. Бунда айнан логотип асосий планга чиқади. Логотип нафақат телеканалнинг номони балки ўз олдига йиғаетган аудиторияни бирлаштиришда катта ўринга эга. Шу каби жиҳатларуни ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш жоизки бирор-бир компания ташкиллаштираётганда албатта унинг мақомини, ўрнини, вазифасини белгиловчи логотиплар ишланмоқда. Euro News телеканалининг логотипи ҳам айнан шу талабларга жавоб берибгина қолмасдан балки унинг даражасини бан белгилайди.



Мазкур логотип бешинчиси ҳисобланади. Уни кўрганда ҳар доим сизда Euro News ҳақида ўйлайсиз.



Логотипнинг мазкур кўриниши эса рус тилида бериладиган дастурники ҳисобланади.



Euro Newsнинг радио учун ишлаган логотипнинг кўриниши

Шу билан бир қаторда ахборот манбаалари сикатида АРТН (Associated Press Television News) Reuters TV, Франциянинг АФР, Италиянинг АНСА, Португалиянинг ЛУСА, Германиянинг ДРА, Испаниянинг ЕФЕ ҳамда Россиянинг ИТАР-ТАСС агентликлари ахборотларидан фойдаланади. Телеканални

Дунёнинг 151 давлатидаги 330 миллион хонадонда томоша қилишади.

Европанинг 26 мобил тармоқлари ҳам Euro News янгиликларини ўз фойдаланувчиларига тарқатадилар бундан ташқари, у дунё отеллари, меҳмонхоналарида ҳам мавжуд. Телеканал ўзида радио тармоқни ҳам ташкил қилиб ахборот тарқатишнинг бу томонини ҳам очиб берди.



Рус тилида телеканалларга узатучи жамоа.

2001 йил 21 март ойининг маълумотларига кўра рус тилида тақдим этиладиган Euro News Россия редакциясида асосий 17 та ишчи ходимлар ўз фаолиятини олиб боради. Рус тилидаги телевизион намоиши узатувчи жамоанинг раҳбари ( 2009 йил сентябрдан— [Сергей Дубин](#) ) эди.

Телеканалда фаолият олиб борган мутахассислар:

- Ирина Беликова
- Екатерина Гусева
- Алексей Доваль
- Елена Караева
- Альбина Лир
- Денис Локтев
- Юлия Пухлий
- Наталия Маршалкович
- Александр Мурашкин
- Валерий Ножин
- Марина Островская
- Алексей Соколов
- Кнарик Хачатрян Папоян
- [Александр Шашков](#)
- Глеб Шатуновский
- Андрей Бекетов

## ХУЛОСА

*Ўзинга фойда келтирмайдиган ахборотни узатма.*

*Анна Бракетт.*

Инсон ташқи ахборотнинг 75% ини кўзлари орқали олади. Бу албатта катта кўрсаткич. Тв бўлса айнан бизнинг кўриш қобилиятимиз билан боғлиқ. Телевидениянинг энг кучли таъсири ҳам айти мана шунда. Айтиқса, бугунги кунда жаҳоннинг энг кучли каналларидан бири бўлган Euro News мисолида кенг қамровли информацион каналларнинг кўпайиши одамларнинг онги шаклланишида катта роль ўйнайди.

Чунончи бундай каналлар мамлакатлар ахборот тарқатиш орқали турли мамлакатлар, Европа ва шу ўринда Ўзбекистонда томоша қилувчи аудиторияси мавжудлиги сабабли бизларга ҳам бир-биримиз орамиздаги боғлаб турувчи узвий бўғин бўлиб хизмат қилади. У томошабинга маданият (**le mag**), кино, биржа, сиёсат, технология, келажак илмий назариялари, спорт ва бошқа мавзулар борасида ахборот тарқатади. Euro Newsнинг бир вақтнинг ўзида 9та тилда узатилиши унинг томошабинларини янада кенгайтиради, ноанъанавий эфир бўлишига қарамадан ҳам унинг қизиқувчилари сони 2010 йилга келиб Европада BBC World ва CNN international каналларига нисбатан кўпайди<sup>7</sup> ва ҳозирда Европа миқёсида энг оммабоп канал ҳисобланади. Ютуқлари ҳам айнан шундан келиб чиққади. Биринчидан, унинг таъсир этиш доираси кенг. Иккинчидан ахборот узатишнинг ўзига хос ажралмас услубига эгаллиги. Учунчидан, доимо янги ахборот узатиши. Тўртинчидан, тезкорлиги ва дунёнинг турли ахборот агентликларидан информация қабул қилиши. Умуман қилиб олганда ҳозирги кунда журналистиканинг долзарб вазифаларини ўзида жамлаган ва намоён қилган ҳолда ўз

---

<sup>7</sup> [http://www.euronews.net/media/the-station/mediapackpress\\_EN.pdf](http://www.euronews.net/media/the-station/mediapackpress_EN.pdf)



фаолиятини олиб бормоқда. Айни дамда Украинада бўлаётган воқеалар, Сурияда содир бўлаётган ўзларини “Ислом давлати” деб олган террористик ҳаракатларини бутун дунёга ўтказмоқчи бўлган жангарилар ҳақида, Гретсияда бўлаётган давлатнинг иқтисодий инқироzi, биржа маълумотлари ва ҳоказолар эфирда узатилмоқда ва Euro News дунё пульсидан воқиф. У ҳар ердан туриб европаликларни, нафақат улар балки бошқа давлат вакилларини ҳам ахборот билан таъминланмоқдалар.

Юқорида таъкидланганидек ахборот олиш даврида инсон онглидан кўра кўпроқ эмоционал мавжудодга айланади. У экранда кўрганларини реал ҳодиса дея қандай бўлса шундай қабул қилади. Таҳлил жараёни кейин, вақт ўтиб ё содир сўлади ёки бундай вазият умуман юз бермайди. Бунда биз ахборот тарқатиш функциясининг салбий томонларини кўришимиз мумкин. Демак, энг асосийси, у психологияга таъсир этувчи кучли қурол. Бироқ кучли мафкурага эга, соғлом фикрловчи томошабин воқеа ва ҳодисини тўғри анализ қилади. Лекин кенг аудиторияни ҳисобга олган ҳолда ТВ нинг асосий вазифаларидан бири, берилаётган информациянинг объективлиги билан бир қаторда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. ТВ каналида фаолият юритувчи журналист ва умуман ТВ каналнинг ўзи бутун инсониятнинг манфаати, психологиясини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши керак.

Euro News канали соф янгиликлари манбаи бўлишга интилди ва у ўз аудиториясига эга бўлди. Унинг янгилик уларида шахс деярли кўринмаслиги ва факт билан тасвир томошабинга узатилиши ҳолислик гаровидир. Ҳақиқатдан ҳам ростгўйлик, бетарафлик билан узатилган янгиликлар томошабинни ўзи фикрлашига ундайди.

Ахборот ҳамма учун бир хилда тарқалишида тил чегараси йўқотилиши, информация айнан манбадан шахга етиб боришида Euro

News ҳозирги кунда ҳаммадан илгариди. Бу эса орада информация бузилишини бартараф этади.

Телекўрсатувларнинг аудиторияга таъсири масалалари борасида илмий жамоатчилик ҳамиша ўз нуқтаи назарини билдириб келади. Чиқишларнинг кимга, қайси ёшдаги, қайси жинсдаги аудитория вакилларига мўлжалланиши каби кенг мавзулардан тор қизиқишларгача камраб олинмоқда<sup>8</sup>. Шундай бўлсада бугунги кунда катта аудиториянинг коп қисми ахборий дастурларни томоша қилишни истади. Ахборотга бўлган ахтиёж ўз навбатида ёшларнинг ҳам қизиқишини орттирмоқда. Манашундай қизиқиш натижасида улар бир-бирлари билан ўзаро билим алмашиб янгидан янги ривожланиш ва тараққиётни бизнинг ҳаётимизга кириб келишида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

---

<sup>8</sup> А. Каримов . Ахборот маданиятини шакллантиришда медиатаълимнинг ўрни. Trif.uz. 2015

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1) *Ўзбекистон Медиа Таълим Тараққиёти Йўлида*. Ўқув қўлланма. Тошкент –2015 йил.
- 2) Ирисмат Абдухолиқов, Амрулло Каримов. *Тележурналистика Асослари*. Тошкент 2005.
- 3) Князев А. *Основы тележурналистики и телерепортажа*. 2001. Бишкек, КРСУ
- 4) А. Каримов . *Ахборот маданиятини шакллантиришда медиатаълимнинг ўрни*. Trif.uz. 2015
- 5) <http://www.snowsel.friendpages.com/p/pages/site/articles.cgi?pageid=snowsel&id=39020023>
- 6) <http://www.televisionbroadcast.com/article/95488>
- 7) <http://www.wikipedia.ru>
- 8) [http://www.euronews.net/media/thestation/mediapackpress\\_EN.pdf](http://www.euronews.net/media/thestation/mediapackpress_EN.pdf)
- 9) <http://www.euronews.net>

# МУНДАРИЖА

I. КИРИШ.....	2 бет
II. АСОСИЙ ҚИСМ.....	5 бет
1. Ахборот дастурлари.....	14 бет
2. Логотипи ҳақида.....	19 бет
III. ХУЛОСА.....	23 бет
IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати...	26 бет

# ИЛОВАЛАР